2010 ЙИЛ 26 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (11.767)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси очилганига 12 йил тўлди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз маънавий меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилишга катта эътибор қаратилаётгани, улуғ аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

● Жиззах вилоятидаги кўплаб идора ва ташкилотларда электрон ҳужжат айланишини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси таҳлилига кўра, ҳужжат ва ахборот алмашишда электрон тизим жорий этилгач, ҳар бир туман ҳокимлигида бир ойлик телефон сўзлашувлари учун сарф қилинадиган маблағ сезиларли даражада иқтисод қилинмоқда.

● Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида кўп тармоқли замонавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Зарафшон шаҳри аҳолисига кўп йиллардан буён Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонасига қарашли Марказий кон бошқармасининг 3-тиббий-санитария пункти шифокорлари тиббий хизмат кўрсатиб келар эди. Малакали тиббий хизмат кўламини янада кенгайтириш мақсадида шаҳардаги 12-кичик туманда фойдаланилмаётган бинолардан бири қайта реконструкция қилиниб, кўп тармоқли поликлиника фаолияти йўлга қўйилди.

● «Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти кузқиш мавсумида электр энергияси таъминотида узилишларга йўл қўймаслик мақсадида пухта тараддуд кўрди. Белгиланган режага кўра икки минг километрга яқин ҳаво орқали ўтган электр тармоқлари, уч юздан ортиқ трансформатор ва трансформатор пунктлари капитал таъмирланди. Носоз изоляторлар янгисига, эскирган ёғоч таянчлар бетон таянчларга алмаштирилди.

### ЖАҲОНДА

● Учинчи минг йиллик арафасида БМТ барча давлатларга аҳолини рўйхатга олиш тадбири борасида ўз таклифларини билдирди. Унга кўра ҳар ўн йилда бир маротаба аҳоли сонини ҳисоблаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Кўпчилик мамлакатлар бу масалага жиддий ёндошади.

● Хитойнинг марказий қисмида зилзила содир бўлди. Бу ҳақда маҳаллий «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хэнань музофотида юз берган ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4,7 баллни ташкил қилган.

● Гаитида тарқалган вабо эпидемияси тобора жиддий тус олмоқда. Шу вақтгача хасталик 250 кишини ҳаётдан олиб кетган. Уч ярим мингдан ортиқ одам ушбу дардга чалинган. Айниқса мамлакатнинг Артибонит ва Плато Сентраль минтақаларида аҳвол мураккаб.

● Тез тайёр бўлувчи таомлар етказиб бериш борасида дунёга машҳур «McDonald's Corp» корпорацияси учинчи чоракни мўмайгина даромад билан якунлади. Жумладан, ушбу даврга келиб у кўрган соф фойда миқдори ўн фоизга ошган ва 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган.

● Францияда Иккинчи жаҳон уруши йилларига тегишли бомба топилди. У мамлакат ғарбидаги Рен шаҳрида тиббий маркази қурилиши кетаётган ҳудудда аниқланган. Портловчи қурилмани зарарсизлантириш учун 10 минг одамни хавфсиз жойга кўчиришга тўғри келди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Ислоҳотлар оқимида

## АСОСИЙ МАҚСАД — ХОРИЖГА ЧИҚИШ

**Бугунги бозор ва харидор талабларига мос рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда, янги-янги лойиҳаларни амалга оширишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни пойтахтимиздаги кўплаб корхоналар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Ўз маҳсулотлари билан ички бозорда муносиб ўрин топиб, айни пайтда ташқи бозорни ҳам кўзлаб фаолият юритаётган «Тошкентмебель» масъулияти чекланган жамиятида давр талабидан келиб чиққан ҳолда модернизация ишлари давом этмоқда.

Айни пайтда Италия ва Хитойдан келтирилган замонавий технологик линияларда бозор талаби даражасида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Ҳақикатан ҳам, — дейди корхона директори ўринбосари Тўрабек Назаров, — замонавий мебель турларини харидорга манзур этишда юксак унумли дастгоҳларнинг ўрни беқиёс. Ана шуни назарда тутган ҳолда бозорда ўз ўрнимизни эгаллашни мақсад қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириб, янги жиҳозлар билан таъминладик. Бу, албатта изланишга, янги лойиҳаларни амалга оширишга пухта замин бўлди. Янги-янги дизайндаги мебеллар бунга ёрқин мисол бўла олади. Корхонамиз кўп йиллардан буён фаолият юритаётгани боис ҳам мутахассисларимиз ҳар қандай янгиликни тез илғай олади. Ҳозирги пайтда корхонада 50 турдан зиёд мебель ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар бирининг дизайни ўзига хос бўлган ётоқхона, меҳмонхона мебель тўпламлари, юмшоқ мебеллар, офис ва хонадонлар учун стол-стуллар замонавий технологиялар асосида тайёрланаётгани боис ҳам харидоргирдир. Шунингдек, тиббиёт муассасалари, мактаб, лицей ва коллежлар буюртмалари асосида тайёрланаётган маҳсулотлар кўриниши билан алоҳида ажралиб туради.

Айни пайтда корхонада 80 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири корхона ютуғига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шуни эътироф этиш мумкинки, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида мамлакатимизнинг тўртта вилоятида фирма дўконлари ишламоқда. Фарғона ва Қарши вилоятлари марказларида ҳам шундай фирма дўконлари очилиши кутилмоқда. Пойтахтимизда яқинда фаолият бошлаган «Пойтахт савдо маркази»дан ҳам корхона сара мебеллари ўрин олган.

Маҳсулот турларини ошириш мақсадида яқинда Хитойдан 150 минг АҚШ доллари қийматидаги янги дастгоҳ лизинг асосида олинди. Эндиликда ички бозор билан кифояланмасдан, тадбиркорлар хорижга чиқишни ҳам кўзда тутишмоқда. Айни пайтда эса Қозоғистон ва Афғонистон давлатларига экспорт йўлга қўйилди.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кун тартибига киритилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш самарадорлигини ошириш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси Қ.Эргашев тақдим этди. Қонун лойиҳаси фуқароларнинг кафолатланган ижтимоий манфаатларини таъминлашга қаратилган. Унда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ҳақидаги нормалар киритиш назарда тутилади. Қонун лойиҳасининг муҳокама вақтида сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган батафсил муҳокама вақтида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари агар мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, у амалдаги қонун ҳужжатлари тизимида муҳим ўрин эгаллашини таъкидладилар. Айни вақтда иш берувчилар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилинди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатларида жавобгарликни мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган талаблар иш берувчилар томонидан қай даражада бажарилаётганлиги устидан назорат қилишни таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий база яратишини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокама вақтида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилди. Қонун парламентнинг юқори палатасига юборилади.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Жумаевнинг маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ва 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ёш мутахассислар учун янги иш ўринлари очиш ва уларни чуқурлашиб бораётган бозор муносабатлари шароитида қўллаб-қувватлашга, касаначиликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги сабабли катта ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Қонун лойиҳасида микрофирма ва кичик корхоналар касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фоиз оширилганда микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақлаб қолиниши назарда тутилади. Бунда ходимлар сонининг оширилишига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Бундан ташқари, кичик корхона ўз уйида ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз оширилганда ҳам унинг кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлари, имтиёзлари ва преференциялари сақлаб қолинади.

(Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

## ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

### Хушхабар

## ЎЗБЕКИСТОН — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

**Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.**

Аргентинанинг Креспо шаҳрида жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мусобақа мезбонлари билан бир қаторда Ўзбекистон, Бразилия, Япония, Украина, Франция, Туркия, Либерия, Салвадор, Гана, Англия, Ангола, Россия, Гаити ва Эрон ногирон-ампутантлар терма жамоалари ғолиблик учун куч синашди.

Мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш воситаси сифатида кенг оммалашиб бораётган спорт – жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар учун ҳам ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканини ҳис қилиш, уларда ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни оширишга хизмат қилаётган муҳим омиллардандир.

Бугунги кунда спорт жисмоний имкониятлари чекланган ва ногиронлар ўртасида ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Бунда юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит яратишга доимий эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 4-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

✓ **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ шаҳар бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон шахмат федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бўлимлари ҳамкорлигида анъанавий «Камолот» шахмат тахтаси» турнири ўтказилди.

✓ **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги ўқув-даволаш мажмуасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси мавзусига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Депутатлар Б.Алихонов, А.Турсунов, Ф.Қуватов томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Қуватов маъруза қилди.

Мазкур қонун лойиҳаси орқали «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг бир қатор моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади. «Радиактив чиқиндилар» тушунчасига берилган таъриф Қонунга киритилаётган муҳим қўшимча бўлиб, унга мувофиқ «радиактив чиқиндилар» дейилганда кейинчалик фойдаланиш назарда тутилмайдиган, таркибида радионуклидлар даражаси ва (ёки) концентрацияси Ўзбекистон Республикасида белгиланган меъёр ва қоидалардан юқори бўлган, ҳар қандай ҳолатдаги моддалар тушунилади. Қонунга янги $6^1$-модда киритилаётган бўлиб, унда радиациявий хавфли ишлаб чиқариш объектида ишлар бажараётганида ходимларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига етказиладиган зарар учун иш берувчининг жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши назарда тутилади.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси вақтида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари таъкидладиларки, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун рўёбга чиқарилишини яхшилашга, жойларда масъулиятни кучайтиришга ҳамда аҳоли саломатлигини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини топширди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Т.Турсунов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси бўйича Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддасига агар шахс тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ёки жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Муҳокама вақтида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг вакиллари таъкидладиларки, ушбу қўшимча латент жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва бундай жиноятлар оқибатларининг олдини олиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишини рағбатлантиришга, шунингдек уларни жавобгарликдан озод қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Муҳокама қатнашчиларининг барча фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифасини юкладилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ф.Омонова «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг муҳокамасига биринчи ўқишда тақдим этди.

Солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш жараёнини ўрганиш давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкини давлат мулкига ўтказишнинг ҳуқуқий механизми, шунингдек, бундай мол-мулкни реализация қилиш ва бундан тушган маблағларни солиқ қарзларини узишга йўналтириш тартиби қонун ҳужжатларида регламентланмаганлигини кўрсатди.

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси солиқ қарздорлигини тўла ундиришни таъминлаш мақсадида тайёрланган. Мазкур Қонун юқорида кўрсатилган муаммони ҳал этишга қаратилгандир.

Қонун лойиҳасида «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг бир қатор моддаларига тегишли ўзгартишлар киритиш, шунингдек Қонунни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида қарз бўлган қарздор-банкротнинг мол-мулкини давлат мулкига ўтказиш ва уни давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли орган томонидан реализация қилиш механизмини назарда тутувчи $142^1$-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмитага ҳужжатни навбатдаги ўқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ў.Хаитов тақдим этган «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2005 йил 19 октябрь) кенг қамровли эканлигини ва унда спорт соғлиқни муҳофаза қилишда, ахлоқий, маданий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнаши, шунингдек халқаро миқёсда ўзаро тушуниш ва тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашиши назарда тутилганлигини ҳисобга олган ҳолда депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси О.Оқилов тақдим этди.

Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини жабрланувчининг шикояти бўлмаганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи $66^2$-модда билан тўлдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасига ўзгартиш ва 333-моддасига қўшимча киритиш таклиф қилинади. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада эркинлаштиришга хизмат қилади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг ресурсларини тежаш ҳамда иш ҳажмини камайтиришга имкон бериб, бу ҳол мураккаб жиноятларни тергов қилиш ва очишга ҳамда умуман, жиноят ишлари бўйича иш юритиш сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Хусусий-ошкоравий айблов бўйича иш юритишнинг такомиллаштирилиши ҳам шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳал қилувчи муҳим фуқаролик институти бўлган маҳалла яраштирув комиссияларининг роли ва мавқеи ошишига хизмат қилади.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси У.Зокиров тақдим этди.

Ушбу қонун лойиҳаси мамлакат автотранспорт тизими фаолияти самарадорлигини ошириш ва тизимни ривожлантириш, мавжуд автотранспорт фондидан оқилона фойдаланиш, ноишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларида рақобатбардошликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси ҳарбий турдаги автомобиль колонналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш имкониятини назарда тутади.

Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари томонидан баён қилинган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмита зиммасига ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини юклади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг матбуот хизмати**

# ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ПОСБОНЛАРИ БАЙРАМИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ички ишлар идораларининг барча тузилмалари сифат жиҳатдан бутунлай янгича асосда шакллантирилди. Хусусан, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши кураш янада кучайтирилди. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмалари мустаҳкамланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини, пост-патруль, профилактика хизматлари, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Айни пайтда милиция ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ортмоқда. Бунда соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётгани ва юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш ва ишга жалб этишнинг ўзига хос тизими жорий этилгани муҳим омил бўлаётир.

Бу борадаги ишлар самарадорлиги ошаётгани, муҳими, ички ишлар идоралари ходимларининг элу юртимизнинг осойишталигини таъминлашда ишончли посбонга айланаётгани давлатимиз раҳбарининг соҳага бўлган алоҳида эътибори туфайлидир. Президентимизнинг шу йил 22 октябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони бунинг яна бир тасдиғидир.

Фармонга мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлашдаги кўп йиллик шавкатли меҳнати ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

– Президентимизнинг ушбу Фармони соҳамизга бўлган юксак эътибор ва ишончнинг амалдаги яна бир ифодасидир, – дейди ЎзА мухбирига "Жасорат" медали соҳиби, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили Нурилло Билолохунов. – Ана шу ишончни оқлашда, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилишдек бурчимни бажаришда бу мукофот зиммамга янада катта масъулият юклаши билан бирга янги куч-ғайрат бағишлайди.

Ички ишлар тизимида самарали хизмат қилаётган ходимлар, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тантанали тадбирга санъаткорларнинг байрам концерти янада кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М.Тоҳирий, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**

**Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса оналар ва болалар соғлиғини асраш тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир.**

# БОЛАЛАРНИ ЭМЛАШ ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

Маълумки, республикамизда турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида болаларни гўдаклигидан бошлаб эмлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Болаларни полиомиелит касаллигига қарши оммавий эмлаш ҳам режа асосида ўтказиб келиняпти. Ушбу тадбирнинг тўртинчи босқичи 25-30 октябрь кунлари ўтказилади. Шу муносабат билан кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

– Бугунги кунда қатор қўшни давлатларда ўткир шол, яъни полиомиелит касаллиги тарқалиши бўйича эпидемик вазият мураккаблашмоқда, – деди Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, Бош давлат санитария врачи Саидмурод Саидалиев. – Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатлар боис мазкур хасталик 1996 йилдан буён умуман қайд этилмади. Ўзбекистон 2002 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан полиомиелит вирусидан холи ҳудуд сифатида тан олинди. Шундай бўлсада, ушбу асоратли хасталик вируси мамлакатимиз ҳудудига қўшни давлатлардан кириб келиши мумкинлиги инобатга олиниб, жорий йилнинг май-июнь-июль ойларида уч босқичда оммавий эмлаш ўтказилди. Бу тадбирлар давомида янги туғилган чақалоқлардан бошлаб беш ёшгача бўлган уч миллион нафарга яқин бола эмланди. Республикамизда барқарор эпидемик вазиятни сақлаб қолиш мақсадида тўртинчи босқичда 15 ёшгача бўлган 10 миллиондан зиёд болаларни полиомиелит вирусига қарши эмлаш кўзда тутилган. Сурхондарё вилояти бўйича эса аҳолининг 25 ёшгача бўлган қатлами қамраб олинади.

Ижтимоий аҳамияти ўта муҳим бўлган бу тадбирни сифатли ташкил этиш учун давлатимиз томонидан қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда зарур шарт-шароитлар яратилган. Матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилганидек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ҳамда ЮСАИД халқаро ташкилотлари кўмагида мамлакатимизга Италиянинг «Новартис» компаниясида ишлаб чиқарилган 11 миллион доза вакцина келтирилиб, минтақамизнинг барча ҳудудларига етказиб берилди. Тиббий муассасалар мутахассислари ҳам махсус тайёргарлик машғулотларини ўтаган.

**Дилором ИКРОМОВА**

"Инновация — 2010"

# ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Тошкент давлат техника университетида "Инновация – 2010" XV халқаро илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлади.**

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент давлат техника университети ва бошқ давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонида ташкил этилди.

Анжуманда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноат соҳаси вакиллари, тадбиркорлар, олим ва тадқиқотчилар, истеъдодли ёшлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар мутахассислари иштирок этмоқда

Ҳозирги даврда инновацион технологиялар энг муҳим стратегик ресурслардан бирига айланди. Ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши, янги саноат ва молиявий технологияларнинг амалиётга жорий этилиши, инвестиция инфратузилмасининг ривожланиши, интеллектуал салоҳиятнинг ошиши, экспортга йўналтирилган, импор ўрнини босувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиш ҳамда мамлакатда валюта заҳираларининг жамғарилиши кўп жиҳатдан миллий инновацион фаолият даражасига боғлиқ.

Инсон фаолиятининг турли жабҳаларини қамра олувчи инновацион жараёнларнинг бир-бирини тақозо этиши ва ўзаро алоқадорлиги шундан далола берадики, энг жиддий натижаларга – ғоялар, услублар ва ишланмаларнинг ўзаро бирикиши, турли илмий йўналишлар ва ҳар хил соҳадаги изланишларнинг уйғунлиги асосида эришиш мумкин. Мазкур анжуман ҳам Ўзбекистоннинг инновация тараққиёти жараёнларини янада жадаллаштиришга дои стратегик муҳим вазифаларни ҳал қилишда саноа соҳаси вакиллари, олимлар, тадбиркорлар саъй ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий инновацион тизимни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибо қаратилаётгани, ишлаб чиқаришда инновацияларн жорий этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Навоий кон-металлургия комбинати бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда мунтазам равишда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги илғор технологиялар ва техник ечимларн излаш ҳамда мамлакатимиз тоғ-кон саноатида қўллаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу вазифалар йири инвестиция лойиҳалари асосида унумли, ресурсларни тежайдиган технологияларни қўллаш орқали ҳал қилинмоқда.

– Ишлаб чиқаришда инновацион технологияларн қўллаш сарф-харажатлар ҳамда вақтни тежаш, фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш имконини беради, – дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш-техник ва инновацион бўлими раҳбари Шавкат Мадаминов. – Жорий йилда илғор технологияларни амалиётга жорий этиш учун 5,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу ўтган йилдагидан 30 фоиз кўпдир. Комбинат қошида Ўзбекистон Фанлар академияси билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қиладиган инновацион технологиялар маркази очилди. Ҳозирги кунда инновацион ечимларни янада ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли лойиҳа устида иш олиб бормоқдамиз.

Икки кунлик анжуман доирасида таълим, иқтисодиёт тармоқларида инновацион жараёнлар, табиий минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда инновацион технологиялар ва услублар, кончилик ва металлургия, технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари каби масалаларга оид илмий-амалий ҳамда таълим йўналишлари бўйича маърузалар тингланади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири**

Тиббиёт

# ҲАЁТБАХШ СТАНЦИЯ

**Темир йўл қон қуйиш станциясининг хизмат кўрсатиш доираси кенгайиб кетди. Бу ерда нафақат соҳа аҳлига, балки республикамиздаги қатор шифохоналарга ҳам донорлик йўли билан ёрдам кўрсатилмоқда.**

Мазкур даргоҳ ҳимматидан йилига 1500-1600 донор баҳраманд бўлмоқда. Айни вақтда темирйўл соғлиқни сақлаш муассасаларига доимий равишда қон етказиб берилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Махсус текширишлардан ўтган қон касалхона ва поликлиникаларга юборилаётир. Станцияда бир маҳалда тиббиёт ускуналаридан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бу қон ва ундан олинадиган препаратлар тозалигини таъминлаб беради.

Бугунги кунда станция илғор тажриба марказига ҳам айланиб қолди. Донорлик, унинг фойдали томонлари ҳақидаги тарғибот ишларидан кўпчилик баҳраманд бўлаётир. Соҳа мутахассислари жойларда бўлиб, донорлик ҳаракати бўйича тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Мавзу доирасида уюштирилаётган давра суҳбатлари ҳам ўз самарасини бермоқда.

Айниқса «Қуюв механика заводи» АЖ, болалар касалхонаси, йўл хўжалиги бошқармаси каби корхоналарда тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Станция ходимларининг Қўқон темир йўл узелига қилган сафари ҳам кутилган натижани берди. Бу ерда донорлар сони янада ортди.

**Акбар АЛИЕВ**

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

**Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашга касаба уюшмалари томонидан доимий равишда муҳим эътибор қаратилади. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида муайян ишлар қилинди.**

# ФАОЛИЯТИМИЗ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Тошкент давлат циркида ёшлар ва ўсмирлар учун «Ёшлар ОИТС-га қарши» оммавий-маданий тадбири ташкил этилди. Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тармоқ ишчи-хизматчиларининг фарзандлари учун 10 миллион сўмлик икки минг дона таклифномалар ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг, шунингдек кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари тўплами олиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг хўжалик бошқармасига қарашли мактабгача тарбия муассасасига телевизор ва ДВД болаларга совға қилинди. «Сағбон» спорт мажмуасида корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ўртасида кураш бўйича ўтказилган турнирда вакилларимиздан икки нафари зафар қозониб, биттаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ва совриндорларга совғалар топширилди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида «Спорт – баркамол авлод гарови» шиори остида волейбол, баскетбол, футбол, шахмат, теннис, стол теннис ва сузиш бўйича факультетлараро ўтказилган спартакиада талаба-ёшлар ўртасида спорт оммавийлигини янада оширишга хизмат қилади.

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки касаба уюшма қўмитаси томонидан йил бошидан «Oaziz- Асака» спорт мажмуаси ходимларига имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида Банклар ассоциацияси томонидан тижорат банклараро ўтказилган спартакиадада «Асака» банки жамоаси фаол қатнашди.

Меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни турли иллатлардан муҳофаза қилиш мавзуларида давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинади. Тошкент солиқ коллежи ўқувчилари учун «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси ҳамда геология музейига экскурсия ташкил этилди. Ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, бой тарихий меросимизга чуқур ҳурмат руҳини сингдириш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан кам таъминланган ёш оилалар учун қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрига, буюк аждодларимизнинг номи билан боғлиқ бўлган муқаддас қадамжоларга саёҳат уюштирилди.

Кўплаб меҳнат жамоаларида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясининг мажлислар залида ўтказилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалида энг яхши тармоқ корхона ва ташкилотлари бадиий жамоалари қатнашиб, совринларга ҳам сазовор бўлди.

**Рустам МИРХОДЖАЕВ,**
**давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши бўлими етакчи мутахассиси**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ижтимоий ҳимояни амалга ошириш борасидаги долзарб масалаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнида ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва ваколатларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида жисмоний ва интеллектуал ривожланишида камчилиги бор болаларга тиббий, психологик, педагогик-коррекцион ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, деб хабар беради ЎзА, турли мураккаб шароитдаги оилалар фарзандларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Бунда турли вазирлик ва идоралар, маҳалла фаоллари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Давра суҳбатида кам таъминланган оилалар болаларига ижтимоий ёрдам кўрсатишни сифат жиҳатдан янада яхшилаш юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА**

**Баркамол авлод йилига бағишлаб тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари иштирокида кўплаб спорт тадбирлари уюштирилмоқда.**

# ДЎСТЛИК ЗАФАР ҚОЗОНМОҚДА

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида даволаш-профилактика муассасалари ходимларидан иборат ўнта жамоа иштирокида енгил атлетика, стол тенниси, шашка, арқон тортиш бўйича «Балли, йигитлар!» беллашувлари ташкил этилди.

Енгил атлетика ҳамда стол тенниси бўйича баҳсларда Тошкент педиатрия-тиббиёт институти, арқон тортиш борасида куч синашишда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси, шашка доналарини суришда 3-клиник шифохонаси жамоалари биринчи ўринни эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент педиатрия-тиббиёт институти жамоаси ғолиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринларга 7-шаҳар клиник шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси жамоалари сазовор бўлди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг раиси Гавҳар Исломова ғолиб ва совриндорларга тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши фахрий ёрлиқлар ва совғалар тақдим этиб, барча қатнашчиларга самимий ниятлар билдирди.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши шаҳар вакиллиги соврини учун «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонасида тармоқ корхоналари ишчи-хизматчилари иштирокида шахмат- шашка бўйича мусобақалар ўтказилди. Шахмат доналарини суришда шахсий биринчиликда эркаклар ўртасида «Уран ва камёб металлар геологияси ишлаб чиқариш маркази» давлат корхонаси ходими С.Федяшин, аёллар ўртасида «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ ходими М.Шокирова зафар қозонишди.

Ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган шашка бўйича баҳсларда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ходими Н.Козимов ва «Ўзэнергосозлаш» унитар корхонаси ходими Г.Зоҳидова ғалабага эришишди.

Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси шаҳар кенгаши томонидан Шайхонтоҳур ва Сергели туманларида спортнинг қатор турлари бўйича беллашувлар, оилавий мусобақалар, «Алпомиш ва Барчиной» спартакиадаси ўтказилди. Шайхонтоҳур туманида шахмат бўйича уюштирилган мусобақада «Ғунча-КН» хусусий корхонаси ходими С.Биньязова ва «Алпомиш» тести меъёрларини топширишда «Самодаги парвоз» корхонаси ходими А.Абдурасулов, «Барчиной» тести бўйича «Инсонийлик» Қизил Ярим Ой жамияти ходими К.Муҳамадаминова биринчи ўринни эгалладилар.

Сергели туманидаги спорт марказида стол тенниси ҳамда оилавий спорт беллашувлари ўтказилди. Шашка доналарини суриш борасида қизиқарли тарзда кечган баҳсларда «Массаф» хусусий корхонаси ходими Г.Маслова, эркаклар ўртасидаги мусобақаларда «Нур қурилиш таъмир» МЧЖ ходими Б.Якубов, оилавий беллашувларда «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов тумани бўлими ходими таркибидаги Нишоновлар оиласи зафар қучишди.

Таъкидлаш жоизки, бундай мусобақаларда ғалаба қозониш билан бирга фаол қатнашиб, саломатликни мустаҳкамлаш, дўстлар орттириш ҳам муҳим натижадир.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

**Инсон қалбига йўл топиб, меҳр кўрсатиш халқимиз томонидан асрлар мобайнида қадрлаган эзгу ишлардан бўлиб, касаба уюшмалари фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли имкониятлари чекланган шахслар учун касб-ҳунар коллежининг янги биносини очилишига бағишланган тадбир чоғида дилимиздан беихтиёр шу сўзлар ўтди.**

# МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

— Коллежимизда айни вақтда 424 нафар ўқувчи тикувчилик, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш, бухгалтерия иши, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, тўқувчилик касбларини эгаллашмоқда, — дейди ўқув маскани касаба уюшма қўмитаси раиси Г.Кенгашев. — Ўтган йилдан бошлаб кўзи ожизларни «Компьютер тармоқларининг дастурий таъминоти» йўналиши бўйича ўқитиш йўлга қўйилиб, махсус овозли компьютерлар ажратилди.

Бизнинг муқаддас Ватанда азиздир ҳар бир инсон. Чексиз ғамхўрликнинг барчаси заррада қуёш акс этганидек, истиқлол шарофатидандир. Шуниси қувончлики, ҳукуматимиз томонидан коллежимизга доимий равишда эътибор кўрсатиб келиняпти. Бунинг натижасида ўқув жараёнида ҳам йил сайин яхши кўрсаткичларга эришиляпти. Бу ерда истеъдодли болаларни аниқлаш ва улар билан ишлаш борасида ҳам яхшигина тажриба тўпланган. «Келажак овози-2007» кўрик-танлови ғолиби Жасур Жумаев айни вақтда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси. Сирожиддин Зайниддинов эса Швейцарияда ўтказилган Бутунжаҳон олимпиада ўйинларининг олтин медаль соҳиби, «Шуҳрат» медали нишондори.



Коллежда 200 ўринга эга ўқувчилар турар жойи, спорт зали мавжуд, ўқувчиларнинг билим олиб, касб ўрганиши учун барча шароитлар муҳайё этилган. Синф хоналари ёруғ ва кенг. Аравачали имкониятли чекланганларнинг бемалол ҳаракатланиши учун лифт ишлайди. Яратилган шароитлар, кўрсатилаётган меҳр-муҳаббат ўқувчиларга яхши кайфият бағишлашига ишончимиз комил.

**Неъмат РАФИҚОВ**

# САЛОМАТЛИК МАВСУМИ

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида анъанавий тарзда ўтказиладиган саломатлик тадбирлари мавсуми бошланди.**

Янги мавсумнинг илк тадбири Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида ўтказилди.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш учун шароитларни яратиш ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида талабалар поликлиникаси таъмирдан чиқарилди. Ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини оширишга йўналтирилган «Соғломлаштириш ҳафталиги», «Соғломлаштириш ўн кунлиги», «Соғлом она – соғлом бола», «Саломатлик тарафдоримиз», «Ёшлар саломатлиги – юрт таянчи» мавзуларида тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида ташкил этиладиган бу тадбирлар давомида даволаш-профилактика муассасалари мутахассисларидан иборат гуруҳлар жойларда бўлиб, ёш қизларни оилага тайёрлаш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, соғломлаштиришга оид маслаҳатлар бермоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги таълим муассасаларида 45 мингга яқин талаба ва ўқувчилар таҳсил олади. 10 мингдан ортиғи 14 та таълим муассасасига қарашли 38 та талабалар турар жойларида истиқомат қилади. Ёшларнинг ўқиши, амалиёт билан билимини мустаҳкамлаши, ҳунар тўгаракларига аъзо бўлиши учун ҳокимият томонидан қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилган тадбирлар ёшларимизни маънан етук ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишига хизмат қилади. Саломатлик тадбирлари давомида талаба-ёшлар оила қурмасдан олдин билиши зарур бўлган маълумотлардан воқиф бўлади, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига шаҳарча ҳокимлиги бош мутахассиси Фарида Собирова. — Талабалар турар жойида истиқомат қилишни истаган ёшлар поликлиникада кўрикдан ўтиши шарт. Бундан ташқари, талабалар турар жойларига алоҳида шифокор ва ҳамширалар бириктирилган бўлиб, ёшлар саломатлигини доимий текшириб бориш баробарида бу ердаги тозалик, шахсий гигиенага ҳам риоя қилиниши назорат қилинади.

Семинарлар доирасида эса бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари самарадорлигини янада ошириш, касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маҳаллалар ва таълим масканлари мутахассислари билан ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалаларига эътибор қаратилади.

**Азима ҚИЁСОВА**

*ҚУТЛАЙМИЗ!*

***Азиз ва меҳрибон дадажоним Мирзаев Сотволди Мирюсупович!***

*Сизни 63 ёшга киришингиз муносабати билан оиламиз номидан чин дилдан табриклаймиз. Бувижоним, фарзандларингиз ва набираларингиз — барчамизнинг бахтимизга соғ-омон бўлинг.*

***Эзгу тилаклар билан набирангиз Мирюсуф.***



Кичик меъморий ечимлар кўчаларимиз кўркига кўрк қўшмоқда.



Ҳакимхон Соликов олган сурат

# ЎЗБЕКИСТОН — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ҳам ўзлари шуғулланаётган соҳалар бўйича самарали меҳнат қилиб, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқда, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётир.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясидан хабар қилишларича, Аргентинада ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси 2007 йилда қўлга киритилган жаҳон чемпионлиги унвонини муносиб ҳимоя қилди.

Ногирон-ампутант футболчиларимиз уч йил аввал Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Бразилия, Сьерра-Леоне, Эрон, Нигерия, Украина, Либерия, Туркия ва Россияни енгиб, олтин медалга сазовор бўлганди. Ана шу терма жамоа аъзоларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 ноябрда қабул қилинган фармонига биноан Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси аъзолари Аргентинада ўтган жаҳон чемпионатида ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Мазкур нуфузли мусобақанинг биринчи босқичида «В» гуруҳида ўйнаган ҳамюртларимиз Бразилия вакилларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва эронликлар билан дуранг ўйнаб, энг кучли саккиз терма жамоа қаторида кейинги босқичга йўл олди.

Иккинчи босқичда футболчиларимиз ўз гуруҳида Англияни 6:1, Бразилияни 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратди ва Россия вакиллари билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнаб, гуруҳ пешқадами сифатида ярим финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳс – финал йўлланмаси учун беллашувда ҳамюртларимиз Ҳайдарали Турсунбоев ва Павел Сулаймонов томонидан киритилган голлар эвазига Туркиядан 2:1 ҳисобида устун келди.

Финал учрашуви мусобақа мезбони – Аргентина ва амалдаги жаҳон чемпиони – Ўзбекистон ўртасидаги баҳс кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмагач, ҳамюртларимиз ўйиннинг иккинчи ярмида ҳужумга зўр берди. Ҳайдарали Турсунбоев иккита, Қудрат Худойқулов битта тўп киритиб, терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

– Ўзбекистон – жаҳон чемпиони! – деди ЎзА мухбирига Жаҳон ампутантлар футбол федерацияси (WAFF) президенти Адемир Круз де Алмейда. – Мусобақа давомида тезкор ва кучли ўйин кўрсатган ўзбекистонликлар юқори савияда тўп сурди. Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоасининг кетма-кет иккинчи маротаба финалда ғолиб чиқиши мазкур мамлакатда спортни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Шундай қилиб, Аргентинада ўтказилган жаҳон чемпионатида кучли ирода, юксак жасорат ва матонат намунасини намойиш этган Ўзбекистон ногирон-ампутант футболчилар терма жамоаси дунёда тенгсиз эканини яна бир бор исботлади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**



**Картошка «иккинчи нон» деб ҳам таърифланади. Унда 18 фоиз крахмал, икки фоиз оқсил, кўплаб бошқа витаминлар бор.**

# «ЕР ОЛМАСИ» ТАРИХИ

Мана шундай фойдали масаллиқ XVI асрда Жанубий Америкадан Европага келтирилганда, уни ҳеч ким истеъмол қилмаган. Картошканинг тарихий йўли билан танишадиган бўлсак, олимлар келтирган далилларга кўра, унинг ватани Чили ва Перу бўлган.

Маҳаллий аҳоли буни тоғ ён бағрида ўсадиган «Паппа» ўсимлиги деб билган. Жанубий Американи қамал қилган испанияликлар картошкани дастлаб 1536 йилда Европага олиб келади. Лекин бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга бу ўсимлик ёввойи сифатида ўтиб юради.

Италияга тарқалганда, у «тартуфоли» деб аталган. Шундан картофель тушунчаси келиб чиқади. Францияга картошка XVIII асрда ўтади. Бу ерда «том де терф» номини олади. Маъноси «ер олмаси»ни билдиради. Францияда картошканинг қимматли озуқа ва фойдали шифо эканини дастлаб доришунос олим Пармантье пайқаган. Олим картошка тўғрисида китоб ёзади ва ундан турли таомлар тайёрлаб, кўпчиликни меҳмон қилади. Дастурхон атрофида барчага мурожаат қилиб, бу ўсимликни кўплаб экиш зарурлигини айтди.

Қирол олим сўзига қулоқ ҳам солмайди, фақат саройга келтирган картошка гулини чаккасига тақиб олади. Шу-шу бўлади-ю картошка озуқа сифатида эмас, манзарали ўсимлик — гул тувакларида ва гулхоналарда ўстира бошланади. Сарой оқсоқоллари эса камзуллари чўнтагига доим картошка гулини тақиб юришни одат қилиб олади.

Картошка фидойиси Пармантье илдиз тугунчаларини далага экади. Ҳосил гулга киргандан эътиборан чор томонга милтиқли соқчилар қўйиб қўриқлатаверади. Бу ишдан қўшни деҳқонлар ҳайрон бўлиб, «У даласига олтин экмадимикин, қўриқласа», дейишади. Эҳтиёт қилинган нарсага ўғри ўч бўлади. Соқчилар ухлагач, даладан картошка кавлаб, олиб кетилади. Сўнг уни гулханга ташлашади. Хашаги куйиб, илдиз тугунчалар қўрда пишиб қолади. Эрталаб бир чўпон буни татиб кўриб, «ҳай-ҳай, ер олмасини емабсиз, оламга келмабсиз», деб хайратга тушади.

Шундан сўнг ўзининг оч халқини боқишга боши қотиб юрган подшолар жонига оро киради. Картошка барча Европа мамлакатларида экила бошланади. Эндиликда картошка экмаган мамлакат йўқ. Қизиғи, жаҳонда 450 йил давомида картошканинг фақат бир хил нави экилиб келинган. Кейинги 50 йил ичида эса олимлар «ер олмаси»нинг 150 дан ортиқ навини селекция қилишди.

**Очил ҲАЗРАТОВ тайёрлади**

**Пойтахтимизда топинамбур (ер ноки) ўсимлигидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# ТОПИНАМБУР — ШИФОБАХШ ВА ФОЙДАЛИ

Тадбирда, деб хабар беради ЎзА, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти, Кимё-фармацевтика институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент давлат аграр университети олимлари, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси мутахассислари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари вакиллари, фермерлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида фермерларимиз томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар етиштириш ҳажми ошмоқда. Олимларимиз экинларнинг янги навларини яратиш, мавжудларининг ҳосилдорлигини ошириш чораларини кўраётир. Ана шундай изланишлар натижасида юртимизда топинамбур ўсимлигини парваришлаш имкониятлари кенг эканлиги маълум бўлди.

2006 йилда Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида топинамбурнинг маҳаллий "Файзу барака" нави яратилди. У камқонлик, қувватсизлик, қанд, оққон, буйрак касалликлари учун дори воситалари тайёрлашда қўлланилади. Айниқса, таркибида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош инулин моддасининг борлиги билан ғоят қимматлидир. Унинг тугунак ва баргларидан қандли диабет билан оғриганлар учун озиқ-овқатлар, биологик фаол моддалар, сироп ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Ер ноки ҳавони тозалаб, экологик муҳитни яхшилаш билан бирга тупроқдаги оғир моддаларни ва нурларни ўзига сингдирмаслиги билан ҳам аҳамиятли.

– Ўзбекистонда топинамбур ўсимлигидан инновацион маҳсулотлар яратиш ва чиқитсиз технологияни ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда, – дейди Бутунжаҳон сабзавотчилик марказининг мамлакатимиздаги координатори Равза Мавлонова. – Натижада лаборатория шароитида кўплаб турдаги фаол моддалар олинмоқда. Хусусан, унинг тугунагидан қандли диабетга чалинган беморлар учун профилактика мақсадида истеъмол қилинадиган «Топинамбур шарбати» яратилди.

Ўсимликни қайта ишлаб, импорт ўрнини босадиган кимёвий ажратмалар – инулин, пектин, фруктоза, этанол ва бутанол спирти олиш мумкин. Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги "Зиёвиддинов Рисқали" фермер хўжалиги раҳбари Карима Асободдинованинг айтишича, хўжаликда топинамбурни шўрхок, унумдорлиги нисбатан паст майдонларда экиб, яхши ҳосил олинмоқда. Ушбу ўсимлик экилган бир гектар майдондан 400 центнергача кўк масса ва қарийб 700 центнер илдиз мева ҳосили етиштириш мумкин. Унинг пояси чорва моллари, паррандалар ва балиқлар учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

– Топинамбур ўсимлигининг пояси бемалол дарахт ўрнини боса олади, – дейди Наманган вилоятидаги «Наманганқоғоз» масъулияти чекланган жамияти директор ўринбосари Юнус Содиқов. – Шу боис биз Тошкент кимё-технологиялари институти олимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Агар топинамбурни етиштириш кенг миқёсда оммалашса, қоғоз учун ишлатиладиган хомашёни четдан олиб келишга эҳтиёж қолмайди.

Тадбирда ушбу ўсимликнинг «Файзу барака» навининг илмий ва амалий салоҳияти бўйича турли соҳа олимларининг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Фермерлар ушбу ўсимликни экиш ва парваришлаш технологияси билан таништирилди.

**Сайёра ШОЕВА**

## ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАН**

**Ёрдин айру кўнгул**
**мулкедурур султони йўқ,**
**Мулкким султони йўқ,**
**жисмедурурким, жони йўқ.**
* * *
**Жисмдин жонсиз не ҳосил,**
**эй мусулмонларким, ул**
**Бир қора туфроғдекдурким,**
**гулу райҳони йўқ.**
* * *
**Бир қора туфроғким,**
**йўқтур гулу райҳон анга,**
**Ул қоронғу кечадекдурким,**
**маҳи тобони йўқ.**
* * *
**Қўйдир бир ўтлуғ фатила**
**доғ учун ҳар ғунчадин,**
**Чарх то гулшанни кўрди**
**сабзу хуррам, эй рафиқ!**
* * *
**Ич дағи тутқил Навоийға**
**қадаҳким, арзимас**
**Бир нафас ҳушёр бўлмоғлиғқа**
**олам, эй рафиқ!**
* * *
**Ўз эрки бирла не мумкин**
**киши ўз кўнглин олдурмоқ.**
* * *
**...шоми ғамдин айру**
**йўқтур субҳи васл.**
* * *
**Бўлмаса маъшуқи пок,**
**охир, не осиғ ишқи пок.**
* * *
**Кимга бир мажлисда оҳу**
**дард ила сўзе керак,**
**Мундоғ ўт ёқмоққа аввал**
**мажлисафрўзе керак.**
* * *
**Бир хизрваш қимматин**
**берма илигдин негаким**
**Дашти ҳирмон қатъига**
**охир қуловузе керак.**
* * *
**Йўлни осон қатъ этар**
**солик енгилрак бўлса юк.**
* * *
**Вафо айлаб, вафо кўз**
**тутма олам дунлларидинким,**
**Вафосиз келди олам дунлари**
**ҳам олами дундек.**
* * *
**Вафоға гарчи фалак**
**даври ожиз эрса, ҳануз**
**Бу шева ичра эмас эркин**
**аҳли даврондек.**
* * *
**Эй фалак, қайси қуёш**
**юзлукни бир кун чарх уза**
**Жилвагар қилдингки, оқшом**
**ерга пинҳон қилмадинг.**
* * *
**Ҳусндин меҳр ғараздур,**
**эй ишқ,**
**Бу масалдур: силиғингдин**
**илиғинг.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**


**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2635 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Буюртма Г- 906

Топширилган вақти: 15.50